

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизаким,
эрур ёрлиғ иш.

Алишер Навоий

Ishonch

2022 йил
11 январь
СЕШАНБА
№ 4
(4600)

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Шу йил 8 январь куни мамлакатимизда илк бор коронавируснинг «Omicron» штамми аниқланди.

Вазиятдан келиб чиқиб, айти пайтда жорий қилинаётган чекловлар ҳақида Махсус комиссия, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан етарли маълумотлар берилаётганига қарамай, аҳоли орасида «Яна карантинга қайтарканмиз-да...», деган ваҳималар «болалапти».

Хўш, бундай гаплар нечоғли асосли? Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Махсус комиссия бошчилигида АОКАда ташкил этилган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

БОШҚА ШТАММЛАРДАН ФАРҚИ

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бу штамм фавкулда тез тарқайди. Аммо анча энгил кечади. Бурун оқиши, томоқ қичиши, йўтал туши, ҳолсизлик каби белгилари бор. Уни юқтирган инсон узоғи билан уч-тўрт кунда буткул соғайиб кетади. «Omicron» фақат ёш болалар ҳамда сурункали касаллиги бор шахсларда оғир кечиши мумкин. Мазкур штаммга ҳам ҳозиргача амалда қўлланилаётган вакциналар юқори даражада таъсир ўтказа олади ва унинг юқувчанлигини камайтиради.

Мамлакатимизда «Omicron» штамми аниқланган хорижлик фуқаро билан бир самолётда келган барча йўловчилар карантинга олинган. Улардан 130 нафар ўзбекистонлик фуқаролар уй шароитида, 70 нафар хориж фуқароси эса меҳмонхонада назорат остида.

КАРАНТИНГА ҚАЙТАМИЗМИ?

Мутасаддиларнинг баёнот беришича, ҳозирча мамлакатда қайта карантин жорий қилишга зарурат йўқ. Фақат бунинг



Бугуннинг гапи

ВАҲИМА ҚАНЧАЛИК ЎРИНЛИ?

учун ҳамма касалликка қарши эмланиши керак. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳеч ким мажбурий эмланмайди. Мазкур жараён тиббий хулосага биноан амалга оширилади.

ЎҚИШ ОНЛАЙН БЎЛАДИМИ?

Қишки таътил муддати ниҳоясига етган, ОТМ ва мактабларда таълим жараёни аввалги ҳолатда давом этади. Онлайн форматга ўтказилмайди. ОТМдаги якуний назорат имтиҳонлари ўз вақтида ташкиллаштирилади.

ЖАРИМАГА ТОРТИЛМАЙДИ, АММО...

Масъулларнинг изоҳ беришича, тиббий ниқоб тақмаган фуқаролар ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари томонидан оғоҳлантирилади ҳамда тиббий ниқоб берилади. Хуллас, жаримага тортилмайди. Аммо бу билан бемалол ниқобсиз юрсак ҳам бўлаве-



раркан-да, деган хаёлга бормаслик керак.

Махсус комиссия маълумотларига қараганда, шу вақтгача икки юз мингдан ортиқ аҳоли коронавирус билан оғриган. Шундан 1497 нафар бемор кўрилган чораларга қарамай, вафот этган. Айтилган вақтда шифохоналарда 2 мингдан ортиқ фуқаро шу касаллик билан курашмоқда. 190 нафардан ортигининг аҳоли оғир.

Айтилган дамба мамлакатимизда 9,1 миллион дона захира вакцина мавжуд. Шифохоналарда захира ўринлари етарли даражада. Муҳими, вазият қаттиқ назоратга олинган. Ҳозирча ортиқча хавотирга ўрин йўқ.

Шундай бўлса-да, эҳтиёткорлик ва мутасаддилар талабларига қатъий амал қилиш, айниқса, вакцина олиш касалликни енгишнинг энг самарали усули эканини унутмаслигимиз шарт!

Ғуломжон МИРАХМЕДОВ,
«ISHONCH»



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев 10 январь куни қўрилиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш ва табиий газ таъминоти оид лойиҳалар билан танишди.

2022 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқайевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов билан телефон орқали мулоқот қилди.



2021/2022 ўқув йилининг қишки таътил кунлари 2022 йилнинг 24 январига қадар узайтирилиши муносабати билан «Uzbekistan Airways» талабалар учун 20-23 январь кунлари Ўзбекистон бўйлаб қўшимча рейсларнинг очилишини маълум қилди.

Ўзбекистон 11 ойда хориждан 27,6 минг тонна гўшт импорт қилган. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси маълумот берди.

10 январь куни юртимизга 500 минг 400 доза «Moderna» вакцина олиб келинди. Бу ҳақда ССВ матбуот хизмати хабар бермоқда. Бу 2022 йил ҳисобидан келтирилган илк вакцинадир.



Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дипломатия муносабати ўрнатилгани 30 йиллиги муносабати билан Пекинда «Ёшлар ўртасида дўстлик алоқалари алмашишуви тарихи» мавзусида форум ташкил этилди.



Корея Республикасига 2021 йил декабрь ойида келган ўзбекистонлик ишчиларнинг яшаш ва меҳнат шароитини ўрганиш мақсадида мониторинг олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йил 6 январь куни Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Қванжу шаҳридаги ваколатхонаси ходимлари томонидан 2021 йил 13 декабрь куни ушбу мамлакатдан келган ва 10 кунлик карантиндан сўнг Қванжу шаҳридаги «Ко Кван» ром ишлаб чиқариш заводига ишга жойлашган юрtdошларимиз билан учрашув ташкил этилди.



Туризм ва спорт вазирлиги томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани тоғ тизмалари бўйлаб пресс-тур ташкил этилди. Мазкур пресс-тур давомида Ўзбекистон поло федерацияси томонидан «Amirsoy Polo Cup-2022» номли от поло спорт мусобақаси ҳамда янги боланд тоғ муз йўлагининг расмий очилиши бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Сирдарё вилояти

Натижа

Бекор қилинган буйруқ

Боёвут тумани «Учтургон» маҳалласида яшовчи Бобур Эгамқулов Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашига ишга қайта тикланишида ҳуқуқий ёрдам сўраб, мурожаат қилди.

Ўрганишлар натижасида унинг Боёвут тумани 5-умумтаълим мактаби директори ўринбосари вазифасида ишлагани, меҳнат шартномаси бекор қилинишида туман халқ таълими бўлими томонидан қатор меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани ойдинлашди. Меҳнат шартномаси бекор қилинишига мактаб директорининг билдириш хатлари асос бўлган. Унда ходимнинг сурункали равишида ишга келмагани ва ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлгани ёзилган.

Аслида Меҳнат кодексининг 182-моддаси 2-қисми талабига биноан интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан тушунтириш хати олинishi керак эди. Бунинг устига мактаб директори билдириш хати киритган бўлса-да, мазкур модданинг 5-қисми талабига эид равишида орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтганидан сўнг ходим билан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинган.

Ходим мазкур буйруқ билан ўз вақтида таништирилмагани, буйруқ нусхаси меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг, орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтиб яшаш манзилига юборилгани, меҳнат дафтраси меҳнат шартномаси бекор қилинган куни берилмагани ёки уни олиб кетиш ҳақида хабар берилмагани Меҳнат кодексининг қатор модда талаблари бузилишини келтириб чиқарган.

Меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилингани тўғрисида иш берувчига тақдимнома киритилиб, директор ўринбосари ўз ишига тикланди.

Санжар ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши бош мутахассиси

Жиззах вилояти

Шароф Рашидов тумани, «Файзобод» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаббат Ахмурадова Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилди.



«Агробанк»нинг Мингбулоқ тумани филиалида ишловчи 9 нафар ходим асоссиз ишдан бўшатирилган сабабли Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашига мурожаат билан чиқишди.

Хуқуқ

Зарар пуллари ундирилди

Унда марҳум турмуш ўртоғи Бўрибой Ахмурадов «Сирдарё-Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Насос станциялари ва энергетика бошқармасида электромонтёр лавозимида ишлаб келгани, 2018 йил 28 февраль куни иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганини баён қилган. Бироқ икки нафар вояга етмаган фарзандига боқувчисини йўқотганлиги учун ҳар ойда тўланадиган зарар пуллари кам тўланаётгани сабабли қайта ҳисоб-китоб қилиб, тўланмай қолган қисмини ундириб беришда амалий ёрдам сўралган эди. Мурожаат ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши томонидан ўрганилганда марҳум Б.Ахмурадовнинг 2 нафар вояга етмаган фарзандига 2018 йил 15 июлдан 2021 йилнинг 1 июлигача боқувчисини йўқотганлик бўйича зарар пуллари жами қарздорлиги 3 миллион 600 мингдан зиёдни ташкил қилиши аниқланди ҳамда қарздорликни ундириш бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд 2021 йилнинг 22 сентябрь куни даъво аризани кўриб чиқиб, Муҳаббат Ахмурадова фойдасига юқорида кўрсатилган боқувчисини йўқотганлик бўйича зарар пули ҳамда беш юз минг сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Алишер БУРХОНОВ,
Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати етакчи мутахассиси

Наманган вилояти

Касаб уюшмаси аралашгач...

Улар асоссиз ишдан бўшатирилган

– Судда иш берувчи томон ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришда бир қатор камчиликларга йўл қўйгани маълум бўлди, – дейди Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кен-

Орузгул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иборат ишчи гуруҳи «Аёллар дафтари»нинг учинчи бошқичи доирасида Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманининг «Уч чинор» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Айимгул Мусаева хонадониди бўлди.

– Турмуш ўртоғим икки йил аввал вафот этгач, саккиз нафар фарзанд тарбияси бир ўзимга қолди, – деди Айимгул Мусаева. – Ёшим эллик тўртда, соғлиғим ҳам яхшимас. Келиним илгиз. Биздан хабар олгани келганинглар учун раҳмат...

Маҳалла фуқаролар йиғинида 2021 йили «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиниб, амалий ёрдам берилиши натижасида оёққа туриб олган хотин-қизлар хусусидаги маълумотлар билан ҳам қизиқдик. – Ўтган йилда маҳалла фуқаролар йиғинида 85 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган эди, – деди «Уч чинор» МФЙ раиси Баҳодир Пирматов. – Ҳар томонлама кўрсатилган амалий ёрдам туфайли уларнинг барчаси қисқа фурсатда рўйхатдан чиқарилди.



Ишчи гуруҳ фаолияти

Қалбларга нур инмоқда...

«Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизларнинг эҳтиёжмандлик даражасини тоифалар бўйича аниқлаб, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида уйма-уй юриб, ўттиз ва ундан катта ёшдаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганаётир, – дейди Юқоричирчиқ тумани ҳоқими маслаҳатчиси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, туман «Аёллар дафтари» б ў й и ч а и ш ч и

гуруҳ раҳбари ўринбосари Гулистон Айтекова. Маҳалла фуқаролар йиғинида 2021 йили «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиниб, амалий ёрдам берилиши натижасида оёққа туриб олган хотин-қизлар хусусидаги маълумотлар билан ҳам қизиқдик. – Ўтган йилда маҳалла фуқаролар йиғинида 85 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган эди, – деди «Уч чинор» МФЙ раиси Баҳодир Пирматов. – Ҳар томонлама кўрсатилган амалий ёрдам туфайли уларнинг барчаси қисқа фурсатда рўйхатдан чиқарилди. – «Аёллар дафтари»га кирганимда масъул вакилларга тадбиркорлик қи-

лиш учун иштиёқим борлигини билдирган эдим, – дейди Шоликорлар кўчасида яшовчи Мадина Аҳмедова. – Банк томонидан 26 миллион 700 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим. Ёшлигимдан тикувчиликка меҳр кўйганман. Қайта тайёрловдан ўтиб сертификат олгач, 4 та замонавий тикув машинаси жамламасини харид қилдим. Ҳозирги кунда олам, ўзим ва қизим ўнга яқин турдаги кийим-кечақларни тикиб сотмоқдамиз. Қуни кеча яна иккита тикув машинаси олди. Маҳалламиздаги ишсиз аёлларга тикувчиликни ўргатаман. Мадина Аҳмедова хонадонидидаги кичик иссиқхонада 54 туп лимон парвариш қилинмоқда. Пандемия пайтида етиштирилган турли хил қўқатлар

маҳалла аҳлига хайрия қилиб тарқатилди. Ўн бир хилдаги мевали дарахтлар ҳам ҳовлига файз бериб турибди. Тадбирли аёллар рўзғорига барака киритади, дейдилар. Уларнинг оиладаги, жамиятдаги ўрнини, эришилажак ютуқларга қўшадиган беқиёс ҳиссасини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайд.

– Мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг фаоллиги жуда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан Тошкент вилоятига бириктирилган масъул, тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Респуб-

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ, «ISHONCH»

Хоразм вилояти

Фаолият

Маърифат – бирламчи масала



нинг фидойилари бўлган 2800 нафарга яқин илғор хотин-қизлар рағбатлантирилган эди. Бундан ташқари, тармоқ тизимлари томонидан ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган 175 нафар аёлнинг ҳолидан хабар олинди. Эҳтиёжманд оилалар вакиллари, меҳнат фахрийлари, «Аёллар дафтари»га киритилган опа-сингилларимиз учун алоҳида саёҳатлар уюштирилди. – Касаба уюшма аъзолари юртимиз тарихи, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар билан кенгроқ танишини истаймиз. Шу мақсадда ўтган йили ташкил қилинган Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида уюштирилган саёҳатларга 22600 нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари жалб этилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг Мадааний-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир Бекзод Рўзметов.



Меҳр-мурувват кўрсатиш нафақат давлатимиз, балки касаба уюшмалари учун ҳам асосий қадриятлардан бирига айланмоқда. Вилоятдаги касаба уюшма ташкилотлари вакиллари Хива туманидаги ёлғиз кексалар яшайдиган «Мурувват» уйига бир неча бор ташриф буюриб, касаба уюшмаларининг совғаларини топширдилар. Ёзги оромгоҳларда дам олдирилган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларидан минг нафардан зиёди кийим-бош тарқатилиб, улар учун мадааний-маърифий кечалар ташкил қилинди. Вилоят тиббий-ижтимоий хизматлар бўлимида рўйхатга олинган ногиронлиги бўлган фуқаролардан бир нечасига озиқ-овқат маъсулотлари тарқатилди. Тармоқ касаба уюшма ходимларининг шаҳар, туман кенгашлари томонидан оиласида ногирон фарзанд тарбиялаётган 338 нафар ходимга ўқув қуроллари, 379 нафар ногиронлиги бор тармоқ ходимларига озиқ-овқат ва 650 нафарига совға-саломлар, 101 нафарига моддий ёрдам, 119 нафар ходимга кўрпа-ёстиқ жилдлари берилди.



Юрт равнақиға ҳисса қўшган нурунийлар касаба уюшмаларининг доимий эйтиборида. 700 нафардан зиёд пенсионернинг ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар, озиқ-овқатлар тарқатилди. 600 нафарга яқин меҳнат фахрийларининг тарихий қадамжоларга зиратлари ташкил этилди.

Меҳнатқашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида 2060 та корхона, ташкилот ва муассасада ишчи-ҳодимлар ичидан масъул қилиб тайинланган мураббийлар томонидан соғломлаштириш машқлари ташкил этиб келинмоқда. Соғломлаштириш машқлари билан 147 минг нафардан ортиқ ходим шуғулланмоқда. Бундан ташқари, кенгаш ва тармоқ касаба уюшмалари томонидан кўп-лаб спорт мусобақалари ўтказиш аниёнага айланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, мадааний-маърифий тадбирлар уюштириш, спорт мусобақалари ўтказишга алоҳида ёндашиб келмоқда.

Шу кунларда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёшлар ўртасида ҳарбий хизматчиларни ва қуролли қучлар фахрийларини жалб этган ҳолда «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!», «Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида садоқат, жасорат, матонат туйғулари мустақамловчи ҳаёт мактабидир», «Қуролли қучларнинг фуқаролик жамиятида тугган ўрни ва роли» мавзуларида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Мадааний-маърифий йўналишдаги режада хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳам жой олган. Ўтган йили «Аёл борки, олам мунаввар», «Аёлга эътибор – оилга эътибор», «Мўътабар аёл», «Аёллари қадр топган юрт» мавзуларида тадбирлар ташкил қилинган, касаба уюшмалари тизимида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда пенсияда бўлган меҳнат фахрийлари, касаба уюшмалари фаоллари, турли соҳаларда меҳнат қилаётган, ўз касби-

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА, «ISHONCH»

Андижон вилояти

Ички туризм

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан 60 нафардан зиёд турли касб эгаларидан иборат касаба уюшма аъзолари Андижон – Хоразм – Тошкент йўналиши бўйлаб саёҳат қилишди.

Саёҳатчиларнинг илк ташрифи Ўзбекистони- мизнинг бебаҳо гавҳари – очик осмон остидаги музей Ичан қалъадан бошланди. Бу қалъа Бутунжаҳон ёдгорликлар рўйхатида киритилган ноёб меъморий ёдгорлик. Дарвозадан ичкарига киришингиз билан тарихнинг нафаси урилади. Барчамиз йўл бошловчилар ҳамроҳлигида қалъа ичидидаги масжид, мадраса, сарой, минорлар тарихи билан танишиб бордик, айниқса, уларнинг энг йириги ва ўзгача услубда қурилгани Хива хони Муҳаммад Аминхон томонидан қурилган мадраса диққатимизни тортиди. Улуғ мутафаккир, файласуф, шоир, рубоийнавис, умри давомида бир

масжид юртимизда ислом дини ривожига берилаётган эътибор, муслмонлар учун яратилаётган шароитларнинг ажойиб намунаси. Бундай масканларнинг турсор марта кураги ерга тегмаган полвон Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига ташриф яна бир бор ўлмас асарлар муаллифлари халқ орасида ҳам, тарих учун масжид юртимизда ислом дини ривожига берилаётган эътибор, муслмонлар учун яратилаётган шароитларнинг ажойиб намунаси. Бундай масканларнинг тур

ҲАЙРАТЛИ ТААССУРОТЛАР

ҳам ҳамиша эъзозли эканининг ҳам ҳалолати эди. Иккинчи кун Урганчдаги «Ниёз Муҳаммад Охун бобо» жомеъ мезморий масжидига бордик. Янгидан тазмирланган, гўзал кўриниш касб этган ушбу

ризм йўналишига киритилиши ҳам диққатга сазовордир. XVII-XIX асрга тааллуқли бўлган тарихий жой – «Улҳи ҳовли» ўзбек-туркман дўстлигининг ёрқин исботи. Катта ҳовли маъносини берувчи бу тарихий

Самарқанд вилояти

«Оғриқ тишлар...»

Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманида бундан тўрт йилча бурун «Ёшлар маркази» барпо этилармиш» деган хушxabарни эшитиб, кўпчилик хурсанд бўлган эди. Оқчопсий, Урганжи, Тоз каби қишлоқлар ёшлари бу ерга келиб, қурилиши бирвос кўриб кетишгани ҳам бор гап. Ёшлар ҳозирга қадар, Самарқандда қад ростлаган ўнлаб 16 ва 25 қаватли ўйлар фойдаланишга топширилса-да, Қўшрабатдаги бир қаватли «Ёшлар маркази» битмади.

«Туя гўшти еган» қурилиш

Холбуки, Президентимиз Самарқандда бўлганида чекка Нуробод, Пахтачи, Қўшрабат туманларида замонавий «Ёшлар марказ»ларини қуриш, бир йил ичида ёшларнинг интеллектуал ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича топшириқ берган эди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгашининг 2019 йил 6 февралдаги хати асосида эса туман марказидаги «Мустақиллик» маҳалласи ҳудудидан янги иншоот учун 9 сотих ер ажратилган. Бунёдкорлик учун сарфланган 2 миллиард 775 миллион сўмнинг 1 миллиард 250 миллион сўми маҳаллий буюджетдан қопландиган, қолган қисми ёшлар ташкилоти ҳисобидан тўланадиган бўлган. Туман ҳокимлиги хайрли ишлар учун мўлжалланган маблағни ўз вақтида ўтказиб берган. Ишончли қурувчини эса Ўзбекистон ёшлар ташкилоти топган. Аниқроғи, кўп ўтмай Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган «Nurobod comment» МЧЖ мазкур лойиҳани тендерда ютгани маълум бўлди. Режага мувофиқ, қурилиш 2019 йил аввалида бошланиб, шу йилнинг ўзидаёқ якунланиши керак эди. Бироқ, орадан уч йил ўтган бўлса-да, бу борадаги ишлар ҳамон давом этмоқда.

рени қаерда ўтказишни ва қандай фойдали юмуш билан шуғулланишни билолмай, жуда қийналишди. Афсуски, бошланган хайрли ишнинг аччиқ ичкадек чўзилаётгани кўпчиликнинг ҳафсалани пир қилмоқда.

Биз масалага ойдинлик киритиш мақсадида дастлаб «Ёшлар маркази» қурилишидан манфаатдор бўлган туман ҳокимлиги вакиллари билан мулоқотда бўлдик. Айтишларича, уч йилдан буён гоҳ бир кўриниб, гоҳида оилаб қорасини кўрсатмайдиган қурувчилардан улар ҳам задал бўлишибди. Ҳокимликнинг ёшлар ишларига мутасадди раҳбарлари бу ҳақда ёзавериб, қўллари қава-рибди.

Сўнгра ҳануз қурилиши битмаган «Ёшлар марказ»нинг янги биноси билан таншидик. Омадимиз чопганини қарангки, шу кун қурувчилар ҳам бу ерга бир-

ров келишган экан. Инчунин, биз ҳокимиятга тутқич бермай юрган «Nurobod comment» МЧЖ раҳбари Шавкат Сотволдиевга рўбарў келдик. Биргаллашиб, бинони кўздан кечирдик. Унинг сирти битса-да, ичкарисида ҳали бир дунё иш бор экан. Устига-устак, ҳеч ким йўқлигида кимлардир бино ойналарини синдириб, иссиқлик батареяларини таг-туғи билан қўпориб олиб кетибди.

– Қурилиш бунчалик чўзилишининг сабаби нимада, – деб сўрадик МЧЖ раҳбаридан.

– Ёшлар ташкилоти пулларни вақтида ўтказиб бермади, – дея каловланди у. – Бундан ташқари, пандемия ҳам ишимизга тўғаноқ бўлди... Энди, Худо хоҳласа, иншоотни ўн кунда топшираман.

– Қурилишга ажратилган маблағнинг қанчаси ўтказиб берилмаган?

– Салкам уч юз миллион сўми.

Албатта, биз ҳисобчи ёки қурувчи эмасмиз. Шунга қарамай, объектдаги ҳақиқий аҳвол билан танишиб, марказни рисоладагидек қуриб битказиш учун ҳали анча вақт ва маблағ зарурлигини англадик.

Қурувчилар сардори иншоотни яқин орада фойдаланишга топширишга сўз берди. Қани, бир оз кутайлик-чи, у ваъдасига вафо қилармикан?..

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Нуқтаи назар

ЖАНАОЗЕНДА БОШЛАНГАН ОҚИМ ҚАЙ ЎЗАНГА БУРИЛДИ?

ёхуд Ўзбекистонда Қозоғистондаги воқеаларга ҳеч ким бефарқ эмас



ЎЗИ НИМАЛАР БЎЛДИ?

Марказий Осиёнинг энг барқарор ва иқтисодий жиҳатдан бақувват мамлакат ҳисобланган Қозоғистон қутилмаганда аланга ичида қолди. 2022 йилининг 2 январиди Манғистов вилоятига қарашли Жанаозен шаҳри аҳолиси суюлтирилган газ нарҳининг 50 тенгедан 120 тенгегача қарор қабул қилинган 120 тенгегача қарор қабул қилинди. Амма аланга учқунлари мамлакатнинг кўпгина қисмига ёйилиб улгурганди. Иқтисодий талаблар ортидан сиёсий талаблар буй чўзди. Тинч намоишга чиққанлар орасида мамлакатда тартибсизликлар келтириб чиқаришга, зўравонликка, қурол ишлатишга мойил ва шубҳасиз, қайсиидир кучлар томонидан бошқарилаётган ёшлар кўпайиб борди.

4 январда Олмаота шаҳрида ҳам тартибсизликлар бошланди. 5 январь кунги Қозоғистон ҳуқуқ-тартибот идоралари мамлакатнинг бир қанча вилоятларида содир этилган ноқонуний ҳаракатлар чоғида жамоат тартибини бузган 200 нафардан ортиқ кишини қўлга олди.

Худди шу кунги Қозоғистон ҳукумати истефо берди. Шунингдек, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Нурсултон Назарбаев Қозоғистон Хавфсизлик кенгаши раиси лавозимидан кетди. Унинг ўрнини эгаллаган Президент Тоқаев мамлакатда вазият издан чиқатгани сезгач, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилот (КХШТ)дан ёрдан сўради. Бунга жавобан Қозоғистонга тинчликпарвар кучлар киритилди. Тинчликпарвар кучлар асосан мамлакатнинг стратегик муҳим сиёсий, ижтимоий объектларини қўриқлашга киришди.

Хозирги кунга келиб, Қозоғистондаги вазият нисбатан барқарорлашган. Аммо аксилтеррор операциялари хануз давом этмоқда.

9 январь кунги оммавий ахборот воситаларида берилган маълумотларга қараганда, Қозоғистондаги тартибсизликларда 164 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 2200 нафардан ортиқ одам шифохонага

мувожаат қилган. Бироқ Қозоғистон ССВ бу рақамлар ҳақиқатга мос эмас, деган баёнот билан чиқди.

Бу – минтақа учун ўта жиддий воқеанинг жуда қисқа хронологияси. Тафсилотларни эса бутун дунё хавотир билан кузатиб бормоқда.

СИЁСАТШУНОСЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Дунёнинг кўплаб сиёсатшунослари Қозоғистон фожиасини турлича таҳлил ва талқин этапти. Бировлар воқеаларнинг бундай тус олишида ташқи кучларни, бировлар эса ички кучларни айблamoқда.

Кимдир Қозоғистонни зир титратган ушбу воқеаларга коррупция, иқтисодий муаммолар, жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик сабаб деса, кимдир бунда сиёсий элитанинг ҳокимият талашини, ҳатто қудратли давлатлар қўлини кўрмоқда.

Қозоғистонга КХШТ тинчликпарвар кучларини киритиши ҳам дунё сиёсатшунослари томонидан турлича баҳоланмоқда. Чиқарилаётган хулосалар жуда кўп. Уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

1) Қозоғистон кўпвекторли сиёсатдан воз кечган бўлиб, кўпроқ ён қўшнисига Россия таъсир доирасида;

2) Қозоғистон келажаги сиёсий элитанинг ушбу фожадан чиқарган ҳолатига боғлиқ, яъни, мамлакат сиёсати қай томонга қараб ўзараради: демократик тамойилларга асосланган туб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотларга юз бирадими ёхуд бунинг аксима;

3) Қозоғистондаги воқеалар Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг самарали фаолиятига жиддий зарба беради;

4) Қозоғистондаги вазият барқарорлашади, аммо умумий вазият узок вақт хавф-хатардан холи бўлмайди...

Сиёсат илмини соҳа мутахассисларига қўйиб берамиз-да, қозоғистонлик сиёсатшуносларнинг воқеалар ривожига нималар туртки бўлгани ҳақидаги фикрларига қўлоқ тутамиз.

Марат Шибатов, сиёсатшунос:

– Қозоғистондаги сўнги воқеалар 2018 йилда Россияда рўй



берган воқеаларга ўхшаб кетади. Фақат Россиядаги тартибсизликларга бензин қимматлашгани сабаб бўлган бўлса, бизда – газ нархи. Бунга мамлакатдаги умумий вазиятдан норозилик ҳам қўшилди.

Қўриб турибдики, намоишчиларни бошқараётган қандайдир ички қўл бор. Менимча, бу ерда кўп нарса аралашиб кетган: ковид, иқтисодий муаммолар, қурғоқчилик, умумий инфляция. Ҳаммаси йиғилиб, портлаган. Ҳукуматга ишонч даражаси атиги 20 фоизи ташкил этади. 2017 йилда у 60 фоиз атрофида эди.

Дўсим Сатпаев, сиёсатшунос, Рискларни баҳолаш гуруҳи директори:



– Бу – классик ижтимоий портлаш. Унинг сабаблари бир неча йиллар давомида йиғилиб бораверган. Ташқаридан қараганда, гап газ нархининг ошишидадек гўё. Аммо бу фақат сабаб, ҳолос. Шунчаки, Қозоғистон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмон эканидан норозилик даражаси юқори.

Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан солиштирганда, Қозоғистон ҳаммага муваффақиятли давлат сифатида эътироф этилган. Аммо бу шунчаки ташқи таассурот. Мамлакат аҳолисининг каттагина қисми қашшоқлик ботқоқига ботган. Коронавирус эпидемияси туғайли унинг кўлами янада ортиди. Қозоғистондаги 6 миллион боланинг 1 миллиони кам таъминланган оилаларда яшайди.

Хозир, айнакча, мастанциллгимизнинг 30 йиллиги муносабати билан кўпчилик савол бермоқда: шу 30 йил ичида нималарга эришдик?

Мамлакат олигархик самарасиз иқтисодиётга эга классик авторитар тизимни яратди. Қозоғистон сиёсий элитасида ҳар доим профессионаликдан кўра кўпроқ сadoқат қадарланган. Ушбу салбий танлов мамлакатда ҳукуматнинг барча даражаларида, шу жумладан, инквизиция қарши бошқарувда ҳам самарали менежерлар тақчиллигини юзага келтирди.

Оқибатда, инквизиция юзага келганда, ҳукумат нима қиларини билмай, норозилик тўққинини камайтириш учун populist қарорлар қабул қила бошлади ёки куч қўлайди. Бунга ушбу воқеалар

масолида ҳам кўриб турибмиз. Илк намоишлар бошланганда, одамлар билан гаплашадиган бирорта обрўли сиёсатчи топилмади.

Қозоғистонда бирлаштирувчи куч, нуфузли муҳолифат партияси йўқ. Шунинг учун ҳозирги барча норозилик ҳаракатлари стихийи характерга эга.

Н а м о и ш г а чиққанлар асосан ёшлар – мустақиллик авлоди. Агар Олмаота мисолида олсак, шаҳар чеккасида намоишчилар кўп. Уларнинг аксарияти – ҳаёт байрамидега ўзларини бетона ҳис қилган ёшлар. Уларнинг ҳозирги тизимда истиқболга йўқ. Бу ёшлар ҳозирги ҳукумат даврида яхши ўқишга, кватирга сотиб олишга, оила қуришга қодир эмаслигини яхши тушунади. Улар – йўқотадиган ҳеч нарса си йўқ аутсайдерлар...

Нима бўлганда ҳам, Қозоғистондаги вазиятнинг ёмонлашуви, терроризм, экстремизм, жиноий тўдаларнинг бош кўтариши, одамларнинг қўлига қурол олиб, тинчлик ва осойишталикка раҳна қилиши, боқинчилик, зўравонлик, мародёрлик ва вандализмнинг авж олишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Мамлакатлар тараққиётга болта урган, мисли қўрилмаган даражада зарар келтирган, жамиятни, оддий одамларни аросатда қолдирган бундай ҳолатларни бошқа давлатларда рўй берган рағли инқилоблар, давлат тўнтаришлари, урушлар мисолида ҳам кўриб, билб турибмиз. Беқарорлик ҳеч бир замонда халққа наф келтирмаган.

ЁН ҚЎШНИ – ЖОН ҚЎШНИ
Ўзбекистон қўшни қондош, жондош ва дўст мамлакатдаги беқарорликдан

асло манфаатдор эмас. Аксинча, бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик, яхши қўшничилик муносабатлари тарафдор. Зеро, қўшнинг тинч – сен тинч. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг турли давлат раҳбарлари билан телефон орқали ўтказган мулоқотлари, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг Қозоғистондаги воқеалар юзасидан берилган баёнотида ҳам алоҳида таъкидланди.

Қ О Л А В Е Р С А, бизни кўплаб иқтисодий лойиҳалар, қўшма к о р х о н а л а р боғлаб турибди. Қозоғистон Хитой ва Россиядан энг йirik савдо ҳамкори эканини унутмаслик керак. Қўшни мамлакатдан Ўзбекистонга катта ҳажмда нефть маҳсулотлари, дон, қўн, пўлат ва бошқа товарлар импорт қилинади. Мамлакатимиз эса Қозоғистон мева-сабзавот, маҳсулотлари экспорт қилади. Давлат статистика қўмитасининг маълум қилишича, 2020 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3 млрд. долларни, 2021 йилнинг 11 ойида эса 3,53 млрд. долларни ташкил қилган. Утан йили Ўзбекистон Қозоғистонга 1 млрд. долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, 2,5 млрд. долларлик маҳсулотни импорт қилган.

Шунингдек, Қозоғистон Ўзбекистон учун Россия ҳамда бошқа Европа давлатлари асосий транзит йўлига ҳамдир. Демак, стратегик аҳамиятга эга бўлган товарлар импортдаги узлишлар, транзит йўлларининг ёпилиши ҳамда Қозоғистон истеъмолчилари ва корхоналарининг импорт товарларга бўлган

талабининг пасайиши Ўзбекистон иқтисодиётга таъсир қилмай қолмайди.

Бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томони – муштарак тарихга эга, тили ва дини бир қўшни мамлакатда ватандошларимиз – минглаб меҳнат муҳожирлари, талабалар бор. 600 минг нафардан зиёд миллатдошимиз ҳам шу заминни муқаддас ватан билб, истиқомат қилади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам, ўзбек халқи дўст-биродар қозоқ халқига ҳаммиса яхшилик истаиди, ютуқларидан қувониб, кулфатларидан оғринади.

ХУЛОСАЛАР...

Энг аввало, Қозоғистондаги муқддир воқеалар ортада қўлиб, тинчлик-барқарорлик тиклансин! Аммо ундан сабоқ чиқариш Марказий Осиё истеблиманти учун жуда муҳим. Хулосалар эса жуда оддий: оқилона сиёсат, одамларни рози қилиш, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқларини муштақамлаш ва энг асосийси, мамлакат тинчлигини кўз қорачиғидек асраш зарур.

Мамлакатимиздаги барча ислохотлар, бунёдкорликлар, ўзгаришлар юрт рағнақи, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилмоқда – камбағалликни камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш каби долзарб масалаларда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани инкор этиб бўлмайди ҳам қўриб, билб турибмиз. Беқарорлик ҳеч бир замонда халққа наф келтирмаган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Халқимиз эртага эмас, узок келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни куришни истаиди. Бизнинг меҳнатқаш, оққунгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳаққидир» дер экан, айнан шу ўзгаришларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Мухтасар айтганда, давлатнинг бош мақсади – халқи фаровон, иқтисодиёти муштақам, ёшлари билимли, касб-ҳунарли, инсон қадр баланд Янги Ўзбекистонни бунёд қилиш. Бунинг учун эса тинчлик-осойишталик, халқнинг донолиги бирдамлиги сув ва ҳаводек зарур!

Жаҳонгир НАҲАНОВ,
«ISHONCH»



ЧАНГЛИ ва ҚУМЛИ бўронлар нега кўПАЙМОҚДА?

Сўнги икки йил инсоният учун жиддий синовларга бой бўлди. Аввало, икки йил аввал авж олган коронавирус пандемияси аҳли башариятнинг яшаш тарзини сезиларли даражада ўзгартирди. Бундан ташқари, замондошларимиз яна бир катта хавф – иқлим ўзгаришларига рўбарў келишди.

Бизнинг юртимизда ҳам жиддий талафот келтирган бир нечта табиат ҳодисалари кузатилди. Жумладан, 2020 йил Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларида ҳалокатли шомол бўлди. Утан йили эса кучли қумли бўронлар билан бот-бот юзлашимизга тўғри келди. Бу, аслида, табиатга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз кераклиги ҳақидаги огоҳлантирувчи сигналдир. Мутахассислар хулосасига кўра, сўнги ўн йилликда Осиё қиتابсиде кумли бўронлар сони анча кўпайган.

Хўш, кумли ва чангли бўрон нима ўзи ва у қандай пайдо бўлади? Бу офатнинг зарарлари ва ундан сақланишниннг йўллари қандай? Куйида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Қумли бўронлар – нафақат инсон саломатлиги, балки атроф-муҳит

ва мамлакат иқтисодиёти учун ҳам катта зарар етказувчи табиат ҳодисаси. Чунки кучли шомол тақир ва қуруқ ердан кўплаб минерал чанглари ҳавога кўтариб, уларни юзлаб-миглаб километр масофага учуриб боради. Шу тарих чангли туманлар ҳосил қилади. 2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида, чунончи, Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида кучли шомол кўзгалиб, қумли бўронларни келтириб чиқарди. Чанг-ғубори туманда кўриш даражаси 500-1000 метргача пасайди. Кучли шомол тупрокнинг ўта қуруқ устки қатламини ҳавога кўтарди. Оқибатда, юртимизда атмосфера ҳавосидаги чанг миқдори белгиланган меъёрдан 30 баробар ошди. «Узгидромет» мутахассисларининг таъкидлашларича, чангли бўронлар

кўпинча қурғоқчил ҳудудларда – чўл ва ярим чўл ҳудудларда содир бўлади. Улар Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам тез-тез рўй бериб туради. Аммо бизнинг диёригимизда сўнги 150 йил ичида бу сарфаргидек кучли чангли бўрон ҳодисаси кузатилмаган. Ёш физик олим Рустам Ашуров серкуёш заманимизга ёпирилган чанг бошқа жойлардаги чанглардан нимаси билан фарқланишини ўзининг «Facebook»даги саҳифасида куйидагича тушунтириб берди:

«Биздаги чанг зарарлари тузулиши, таркиби, шакли бўйича кумли бўронлар кўзгалладиган жойлардаги чангларикидан мураккаброқ. Зарядланиши ҳам осон. Шу боис у кўнган юзларни тозалаш анча мушкул. Қолаверса, бизда бир қават чанг устига иккинчиси сининг ўтириши осон кечади. Бундан ташқари, чўллардан келаётган чанг зарарлари таркибиде турли маъданлар ва тузлар бор. Шунга кўра, йўл-йўлакка муساب зарядланиб, юзага маҳкам ўрнаша олади. Уларни фақат хўл латта ёрдамида тозалаш мумкин. Арабистонда кумли бўронлар тез-тез рўй берса-да, чанг зарраларининг шакли шарсимонлиги, усти силлиқлиги ва зарядланиш даражаси пастлиги туғайли энгил шомол ҳам юзадаги чанг зарраларини учуриб кета олади».

Худудлар кесимида олиб қарасак, бу кумли бўрондаги чанг миқдори бўйича энг юқори ўринни (меъёрдан 33 баробар кўри!) Тошкент шаҳри эгаллади. Ваҳоланки, пойтахтимиз қурғоқчил худуд саналмайди, лекин сўнги йилларда унда ва бутун Ўзбекистонда жадал сурьятларда олиб борилаётган қурилишлар жуда кўп миқдордаги кум ва чанг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Улар ҳатто кучсиз шомол эсганда ҳам ҳавога кўтарилади. Дарахтлар ва ўсимликлар сони кескин камайгани туғайли пойтахт энг кўп талафот кўрди.

Кумли бўронлар бир неча дақиқа давом этган тақдирда ҳам чанг атроф-муҳитда бир неча кун, ҳатто ойлари давомида сақланиб қолиши мумкин. Кумли ва чангли бўронлар етказадиган зарарлар ниҳоятда кўпдир. Ўз-ўзидан аёнки, кумли бўронларни бутунлай тўхатишининг иложи йўқ. Лекин олдини олиш мумкин. Масалан,



Хитой сўнги йилларда бор имкони-ятларини ишга солиб, дам-бадам такрорланиб турадиган кумли бўронлар асоратларини камайтиришга эришди. Мамлакатда кўплаб дарахтлар экигани ва ўрмонлар яратилгани ижобий самара берди.

Зеро, дарахтлар қанча кўп бўлса, кум бўронлари пайтида шомолнинг тезлиги шунча пасаяди, ҳаво орқали тарқалган зарраларнинг тутиб қолиниши кўпаяди. Бундан ташқари, ўсимликлар кумли бўронлардан кейин чангини ютиб, филтёр вазифасини ўтайди. Борди-но, биз аксинча йўл тутиб, дарахтларни кўр-кўрона кесаверсак, ўрнига янгиларини эмасак, фақат чиройли расмларга тушиш ва юқоридан мақтов эшитиш учун но-

мигагина кўчат ўтқазсак, бог-роғларни ва ўрмонзорларни кўпайтирмайлик, фарзандларимиз қалбида табиатга нисбатан меҳр уйғота олмасак, кўккаламзорлаштириш ишларига бепасандлик билан қарасак, кумли ва чангли бўронлар такрорланаверади.

Демак, бу борадаги ислоҳни ҳар биримиз, аввало, ўзимиздан, оиламиздан ва маҳалламиздан бошлашимиз, ҳар қайси шаҳар-туманининг иқлим шароитини ҳисобга олиб, унга мос мевали ва манзарали дарахтлар экишни кучайтиришимиз керак!

Зўкро АСАДОВА,
журналист



Клептомания – руҳий бузилиш, руҳий жароҳат оқибати. Бу «хасталик»ка «мубтало» бўлганларни кўпчилик ўғриллар билан адаштиради. Лекин ундай эмас, чунки ўғрида моддий манфаат бўлади. Клептоманлар эса... Улар қимматга эга бўлмаган, кераксиз нарсаларни ўғриллашади ва уларни эҳтиёжлари учун ишлатишмайди.

ручка, скрепка, симлар, тутилган шахсий гигиена воситалари – улар учун ўлжа. Дорда қуритилаётган кийимлар, кийиниш хонасида қолдирилган пойабзаллар уларга чиройли кўринса керак-да...

Ўғриллаган буюм ташлаб юборилади
Клептоманларнинг кераксиз нарсаларни ўғриллаши – бу асида, ўзига эҳтибор сўраш синалидир. Улар эски, ҳеч кимга ке-



Руҳият манзаралари

бўлган, ота-онасига таоман боғланиб қолганлар ҳам ёши улғайгач, клептоманга айланиб қолиши мумкин.

Клептоман болаларда ҳам кузатилади. Боғчадан ўйинчоқ олиб келиш – ўғирлик, болалар майдончасидаги тошчаларни чўнтакка солиб олиш – клептомания, онасининг кармонида қўл суқиш – ўғирлик, бувисиникидан эски, уринган, кераксиз буюмни кўтариб келиш – клептомания. Ҳар икки ҳолатда ҳам болалар психолог ёрдамида даволяниши лозим. Буни қарантки, клептоман болалар асосан бой оилалардан чиқаркан. Бола эрталабдан кечгача ишлаб, пул топаётган ота-онасининг диққатини жалб қилиш учун ўғирликка қўл уради.

Клептоман ўзини бошқара олмайдми. У бу ишни нотўғри ва ярашқисиз эканини билса ҳам ўзини ўғирликдан тийламайдми. Унга насиҳат қилиб, гап уқтириш ҳам мушкул. Энг яхшиси, унга кўпроқ меҳр бериб, эҳтибор кўрсатиш керак. Унга жиноятчи эмас, жабранувчи деб қараш ва ёрдам бериш зарур. Бунда мутахассис маслаҳати ва муолажасига таяниш энг тўғри қарордир.

Дурдона АЛИМОВА

Мушоҳада

ҲАЁСИЗДА ИЙМОН БЎЛМАЙДИ

ёхуд уятсизлик буйича «шухрат» қозонаётган блогерларни тартибга чақириш фурсати етмадими?



Гаянинг дангалини айтганда, сўнги пайтларда одамлар дилини ранжитадиган уятсизлик ва шаллақилик ижтимоий тармоқларда тобора авж олаётгани ташвишли ҳолдир. Чунки, ижтимоий тармоқларда оғзига келган гап-сўзни айтишдан заррача хижолат тортмайдиган, жанжал кўтариб ва иғво қилиб, сохта обрў орттироқчи бўлаётганлар кўпайди.

Сафоҳат аҳли – ақлсиз ва ноҳод бўлади. Вафосизлик ва хиёнат ҳеч қачон кечирилмайди. Шундай бир пайтда, айрим блогерлар хилват жойда бегона эркак билан ишқий муносабатда бўлиб, хотин-қизлар шаънига доғ туширган аёлнинг тарафини олишганига нима дейсиз?

Узи айтмоқчи бўлган ҳақиқатни оғзи шалоқлик, дўк-пўписа ва бақир-чақир орқали баён этадиган блогер эл орасида шухрат орттирмайди, аксинча, халқ нафратига учрайди. Бизни эса яна бир нарсга қизиқтиради: нахотки, миллиатимиз, Ватанимиз шаъни ва обрўсига пугур етказувчи маънавиятсиз блогерлар жиливини тартиб қўйишга ҳеч бир идоранинг кучи етмасми?!

Алломалар ҳаёни юзга тутилган нозик ва нафис матоли пардага қийсашлади. Кўнгли хазинасининг қулфи тил, қалити эса сўздир, дейишади. Зеро, тилни тоза тутмоқ – дилини тоза тутмоқ демак. Кўнгли хазинасини бўлмағур сўзлар билан ифлослантирувчиларга асло тоқат қилиб бўлмайди. Умумэътироф этилган ахлоқ ва маънавият меъёрлари ҳамда талабларига ноҳуналик чиқишлар қилаётганлар фаолиятига имкон қадар тезроқ чек қўйиш керак!

Албатта, биз интернет тармоғи тезкорлиги ва ўқувчиларининг қўлпиги билан бошқа оммавий ахборот воситаларидан ажралиб туриши сабабли бир қанча тажрибали журналистлар ушбу соҳага қизиқувчилар блогерлик билан шуғуллана бошлаганидан хабардоримиз. Улар жамиятда мавжуд турли муаммоларни, ҳамюртларимизни қийнаётган хато-камчиликларни дадил кўтариб чиқишаётганини, адолатсизликка учраганлар ҳақ-қуқуқларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатишаётганини ҳам яхши биламиз.

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ўта маданиятсизлик ва қўлолик билан иш юритётганлар, ўзларини оқилу доно ҳисоблаб, ўзгаларга ва масъул шахслар ақл ўртаётганлар, кези келганда, иккинчи томонни аёвсиз сўкиб-ҳақоратлайдиганлар ҳам кўп. Биз сифатимизни ана ўшандай қимсалардан тозалашимиз керак. Сиз бунга нима дейсиз?

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ

Ҳикмат излаганга...

Мен анмаган дунё

Ҳаёт ҳаммага бир хил эмас экан. Кимдир йиллаб яшайди, кимдир тинмай ишлайди. Кимдир ОНА излайди, кимдир уни хўрлайди. Бу дунёда кимлардир нонга ҳам зор, кимдир буни сезмайди. Кимларнингдир яшашига уйи йўқ, кимлардадир у заҳира. Кўнлар бу ҳаётга бепарво, чунки унинг қорни тўқ.

Мамаюнус ПАРДАЕВ

«Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан 2020 йил 7 январда Сержан тўқан. Узр кўчаси, 25-уй, 49-хонадан учун Қадимов Сирожбек Кунончиқ ўғли номига берилган № 22-05/943 рақамли уй-жой шахсий мулк эканини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидаги 166-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Гафуров Жавоноб Абдумалиқ ўғли номига берилган УМ № 1170415 (рўйхат рақами 84) рақамли аттестат йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Янгийўл шаҳар, «Фаровон» МФЙ «Янги Фаровон» кўчаси, 7-уй, 41-хонадонда яшовчи Маждидов Хасан Уринович номига 1985 йилда берилган «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюشمаси Избоскан тумани кенгаши раиси Акбарали Аҳмадалиева онаси Лайлихон АҲМАДАЛИЕВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши ҳамда ҳудудий касаба уюشمаси кенгаши жамоалари тармоқ касаба уюشمаси Бухоро вилояти кенгаши раиси Дилбар Қомиловага турмуш ўртоғи Нуриддин ОЧИЛОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Чоғирбош шаҳридаги «Майсарой» мажмуасининг анжуманлар залида алкашларнинг йиллик ҳисобот бўлиб ўтди. Унда таниқли пиёнистлар, кўп йиллик ичувчилик тажрибасига эга алкашлар, ёш ароқхўрлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, қўзатувчи сифатида бир гуруҳ кашандалар иштирок этишди. Анжуманни Халқаро алкашлар уюшмаси раиси, жаҳон ароқхўрлари мусобақасининг ўн тўққиз карра фолиби, машҳур пиёниста Сафоқул Сотиболдиев кириш сўзи билан очиб берди.

Меҳрибон «ўғриллар»

раги йўқ буюмда ўз аксини кўради ва ўзига тутилаётган ойнага тоқат қилолмай, уни йўқ қилиш истағида ўғрилайди. Энг қизиғи – унинг мақсади буюмга эгалик бўлмагани учун ўғриллаган нарсени ташлаб юборади ёки кимгадир совға қилади, хуллас, ўзида сақламайди.

Уғрилик – клептоманлар учун тинчлантирувчи доридек гап. Клептоманлар орасида ўзига тўқ, бой одамлар борлиги ҳам шундан, уларнинг мақсади буюмга эгалик эмас, балки ўзини тинчлантиришдир.

Клептоманларнинг кўп қисмини аёллар ташкил этади. Чунки аёлларда меҳрга зорлик, эътиборсизликдан ўкиниш ҳисси анча юқори туради.

Бундай ажабтовур ўғриларни ташқаридан аниқлаш қийин, улар ҳамма каби кўринади, ўзларини рисоладагидек тутаяди. Улар ўғирликни ҳеч ким йўқ жойларда кўпроқ амалга оширади. Қизиғи, ўзларини ўғрилар қаторига қўшишмайди, қўлга тушиб қолишдан қаттиқ қўрқишади.

БОҒЧАДАН УЙИНЧОҚ КЎТАРИБ КЕЛИШ-ЧИ?

Бу касаллик асосан ўрта ёшлиларда учрашига қарамақасдан узоқ тарихи болаликка бориб тақалади. Болаликда меҳрга ташна бўлиб ўсганларнинг айримлари ўрта ёшда клептоманияга чалиниб қолади. Ёки ақсинча, ҳаддан ортиқ эҳтиборда

лам ҳақини «натуралний» тўлаш тизимига ўтган. Уларда ичкиликбозлик йўналишидаги нашрлар бир колонка инфорамацион материал учун ярим челақ, бир даҳни минбар устига «тақ» эг казиб қўяркан. – Қани бир пайтлар газетахонлар (у газетахонларни – **газетахонлар** деб атади. – **Репортёр**) турнақатор навбатда туриб кутадиган нашр? Қани машҳур пивохўрлар ҳаётидан олиб ёзилган «ўқимишли» очерклар, ароқсевар шоирларнинг хотин... кечикрасиз, ёр шаънига битган оташин майноманалари?

Машҳур алкашнинг оташин дошларига суйқалиб ўтар экан, дафъатан ёши улўғ шаробхўрларга қўзи тушиб қолиб, уларга обдон таъзим қилди. Бу билан ҳам кифояланмай, икки бети қип-қизил бир алкотанишини бағрига босиб ўпди...

Ниҳоят, қўлтиғидан олган икки улфати ёрдамида судралгай бўлиб, минбарга етди. Етди-ю, дабудрустан нима дейишни билмай, аввал бир дақиқа чайқалиб туриб қолди, икки муштини минбарга андақ қийшқоқ (*аксарият мастлар каби физик қонунятлар, хусусан, симметрия ҳисобга ол-*

Ҳажвия

– Агар иложи бўлса-ю, камина умр бўйи ичган ароқларни челақлаб... Ҳиқ... Йўқ, челақ сал кичиклик қиларкан... Та-ак, айтайлик, бўчқалаб ўлчасак, дунё океани сувидан ўн бара-вар кўп чиқарди, – деди у ўзининг қизгин фаолияти ҳақида сўз юрйтиб. – Ҳа, мен бутун умримни... Ҳиқ... ўзимнинг севимли касбим – ичкиликбозликка бағишладим. Хўш-ш, жиғаримнинг секин титила бошлаганини айтмаса, сопла-согман... Ҳиқ... Ҳа, мен бутун топ-тоза! Ишонмасанлар... Ҳиқ... ана, текшириб кўришларинг

«ОЛТИН ШИША»

йиллик алкоҳисоботга бағишланган алкашлар анжуманидан репортаж

мумкин... Н-нима, мени ғирт маст деб ўйлаясизларми? Сираям... маст эмасман. Мана, миям ҳам ўттиз фоиз қувват билан... Ҳиқ... зўр ишлаб турибди (*У шаҳодат бармоғини чаккасига уриб кўрсатади*). Кўриб турибсизлар, каллам жойида... Дуд-дунё ароқхўрлари бошини қовуштириш, бу бир шиша коньякни сипқориш эмас, мен сизга айтсам... Бу жуда маст... масъуляти иш... Қисқаса, м-махжис ишига м-му-каф-фа... му-ваф-фа-қиятлар тайилман! Ҳиқ...

Сотиболдиевнинг пурмаъно нутқидан сўнг таниқли ароқшунос олим, майшунослик вакиллари доктори, профессор Шароббек Шайтонқулов сўзга чиқиб, ичкиликбозлик соҳаси фоят ачинарли аҳволда эканини, уни омма орасида кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолаётганини куйиб-пишиб таъкидлади. Нотиқнинг фикрича, тарғибот-ташиқот ишларида матбуотнинг ўрни ҳалиям бекиёс.

– Бир вақтлар алкашларнинг энг яхшии... Агар кимдир ўз шахсий жигдилонини бошқа ароқхўрлар жигдилонидан устун қўйиб, ҳақини кескин талаб қиладиган бўлса, – деди давра эҳтиборини қалам ҳақи масаласига тортар экан, – буни ҳам тўғри қабул қилишимиз керак.

Лекин, айтиб қўяй, бугун гунорани пул шаклида бериш эскилик сарқитидан бўлак нарсас эмас.

Сўнгра Шайтонқулов газета ўз қобилига ўралиб қолмасдан, чет муаллифларни, хусусан, майнома жанрида жўшиб ижод қиладиган фаол ёзувчи-шоирларни жалб этиши зарурлигига ургу берди.

– Эслангиз, – деди у томоғини уч қултум портвени билан обдон ҳўллаб олгач, – бир пайтлар газетанинг олтида сониди шоир Келди Қоранинг «Базм ва назм» рукни остида туркум майномалари, ёзувчи Ҳосил Тўранинг «Қадаҳ» романи босилган эди. Бундан ташқари, «Кайф устида» деган зўр рукн бўларди, унинг шарофати билан газетахонлардан қўлаб миннатдорчилик мактублари олганмиз. Қани ўша рукн...

Шундай кескин ва ўта муҳим саволини ўртага ташлар экан, у собиқ ҳамкасблари бўлмиш «пиёниста»чиларни (*Шароб ога ҳам аслида «Пиёниста»дан чиққан*) «Олма, пиш, оғзимга туш!» деб ўтирмай, икки юз грамм тозасидан отволиб, инновацион фикрлашга қақирди.

– Агар кимдир ўз шахсий жигдилонини бошқа ароқхўрлар жигдилонидан устун қўйиб, ҳақини кескин талаб қиладиган бўлса, – деди давра эҳтиборини қалам ҳақи масаласига тортар экан, – буни ҳам тўғри қабул қилишимиз керак. Лекин, айтиб қўяй, бугун гунорани пул шаклида бериш эскилик сарқитидан бўлак нарсас эмас.

Мисол учун, ривожланган мамлакатлар аллақачон қар...

нутқини залдагилар давомли қарсақлар билан олқишлаб, унинг соғлиги ва теша тегмаган таклифи учун ёппасига қадаҳ кўтаришди.

Дастурга мувофиқ, шундан кейин фахрий ароқхўрлар номидан 35 йиллик ичувчилик тажрибасига эга Қимизбек Қирчанғиев сўзга чиқиб, дунё майхўрларини яқинда нишонланадиган Халқаро пиёнистлар кўни билан қутлаши, улар шаънига икки оғиз майтилақ билдириб, қадаҳ кўтариши керак эди. Бироқ кекса пиёниста мажлис аввалида оч қоринга қўлбола ароқдан урволиб (*ўрганишлар, аниқроғи, алкоғузоҳлар иштирокидаги эсклөзюв тинтув чоғида Қирчанғиевнинг қўйин чўнтағидан дорихона чеклари, этил спиртнинг 50 граммлик бўш идишлари, ён чўнтағидан эса қоғозга ўроғлик икки дона ачган помидор билан бир бош арчилган пиёз топилян*) чўзилик қолгани учун, унинг ўрнига жорий йилда бир зифатда 14 шишани паҳлавонларча кулатиб, тенгдошлари орасида мутлак чемпион бўлган ва «Олтин шиша» кубогини қўлга киритган ёш пиёниста Майхўржон Кайфулов минбарга чиқди.

Олдидан шуни айтиш керакки, ёш алкашнинг чиқиши алоҳида алкомаросим (ритуал) га айланиб кетди. Яъни, бу пайтда у ёнида тирган шеригининг елкасига бош қўйганча мириқиб хуррак отарди. Уйғотиб, то минбарга етказгунларича, мутасаддиларнинг «ичган ароқлари оғзига келди».

Кайфулов ширин уйқусини бузганларга аввал яхшилаб «оналарини эслади». Өзига озгина сув пурқаб, сал ўзига келтиришгач, маккаранг тишларини кўрсатиб илжайди. Йўл-йўлакай қоқилиб ва бир гуруҳ шиша-

«Ичкилик ва ҳаёт» журналадан «Ўғринча» қисқартириб олинди.
Эльмурод НИШОНОВ

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ *(тахрир хайъати раиси),*
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ *(Маъсул қотиб – «Ishonch»),*
Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги англиклар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтасидан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов

Мусахҳишло:
Д. Худойберганаова,
У. Худойберганаова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **23:30**
Топшириши – **00:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджетма **Г-106**
33839 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона маъноси:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКДД: 58130